



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 2 август, № 161 (7663)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ: МУСА ЕРНИЯЗОВ ҚАҲРАМОН ХАЛҚНИНГ ҚАҲРАМОН РАҲБАРИ ЭДИ



қилиш, бу — ҳақиқий матонат. Муса Ерниязов ана шундай қаҳрамон халқнинг қаҳрамон раҳбари эди. У 18 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси деб аталмиш ўта масъулиятли ва шарафли вазифада самарали фаолият олиб боргани буни яққол тасдиқлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Муса Ерниязов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари сифатида мамлакатимизнинг барча ҳудудини ривожлантириш учун муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшгани ёдга олинди.

— Аллоҳ таоло Муса оғани мана шундай муборак Қурбон ҳайити ва жума кунларида ўз раҳматига олганида ҳам бир хислат бор, дейиш мумкин. Барчамиз учун қадрли бу инсон ҳаётда ўзидан яхши ном, яхши из ва хотиралар қолдирди. «Юрт учун фидо бўлиш — ўлим эмас, аслида қайта туғилиш», дейди донолар. Муса Ерниязовнинг номи ва ёрқин хотираси ҳам бугун қайта туғилмоқда, тарих саҳифаларига абадий муҳрланмоқда, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши раиси Қаҳрамон Сариев, «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шараф Уснатдинов, «Қорақалпоқ адабиёти» газетаси бош муҳаррири, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулистон Аннақичева, Хоразм вилояти ҳокими Фарход Эрманов, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Абатбай Данияров Муса Ерниязовнинг эл-юрт манфаати йўлидаги серқирра фаолияти, одамларга яхшиликларини эсга олди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент Администрацияси ҳамда Вазирилари Маҳкамаси вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Вазирилари Кенгаши аъзолари ва кенг жамоатчилик марҳум хотирасига ҳурмат бажо келтириб, сурати тагига гуллар қўйди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва фидойий инсон Муса Таҳетдинович Ерниязовнинг хотираси халқимиз қалбида доим сақланиб қолади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Матбуот хизмати сурати.

Пандемия келтирган синовли кунларда халқимиз оғир жудоликка учради. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязов 2020 йил 31 июль куни вафот этди. Марҳум Нукус шаҳридаги «Шорша баба» қабристонига дафн этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 август куни бу ерга ташриф буюриб, Муса Ерниязов қабрини зиёрат қилди. Марҳум ҳақида Қуръон тиловат қилинди.

— Раҳматли Муса оға элни яхши кўрган, ҳалол, пок, ор-номусли инсон эди. У кишига жуда ишонардим, Қорақалпоғистондан кўнглим тўқ эди. Тили, дини, тақдирини, ташвишларини бир бўлган ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг оғзибирчилигини қадрларди. Қорақалпоғистонни ривожлантириш, одамларнинг бирини икки қилиш бўйича кўп ишларни бошлаган эдик. Энди

бу ишларни, режаларимизни дўстлари билан бирга албатта давом эттирамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Муса Ерниязов дафн этилган қабристон обод қилинишини таъкидлади.

— Бу ерни Қорақалпоғистонга келганлар эҳтиром билан зиёрат қиладиган масканга айлантирамиз. Шундай ватанпарвар инсонларнинг ҳурматини жойига қўйсак, халқимизга, ёшларимизга намуна бўлади, — деди Президент.

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязовнинг вафоти муносабати билан таъзия маросими бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, марҳумнинг оила аъзоларига, халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Муса Ерниязов қарийб 50 йиллик фаолияти давомида улкан раҳбарлик қобилияти, инсоний фазилатлари билан ҳурмат қозонгани, Қорақалпоғистоннинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шаҳар ва овуллари обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилаш учун ўзини аямай меҳнат қилганини таъкидлади.

— Қорақалпоқ заминида, Орол ҳалокати юз берган ўлкада яшаб меҳнат

Ушбу оғир синов дамларида Аллоҳ таолонинг ўзи эзгу ва савоб амаллар учун янги имконият эшикларини очиб бермоқда. Хусусан, пандемия туфайли ишидан, доимий даромад манбаидан узилиб қолган, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак беришни юртдошларимиз ўзларининг инсоний бурчи, деб қабул қилаётгани таҳсинга лойиқдир. Зеро, муқаддас ҳадисларда келтирилганидек, ҳақиқий мусулмон ўзига раво кўрганини биродарига ҳам раво кўради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

САХОВАТ ВА КЎМАК — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Бугун бугун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам пандемик вазият оғирлигича қолмоқда. Ана шундай оғир ҳолатларда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан узоққин кўзлаб олиб борилаётган сиёсат, амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодий ҳаётимиз у қадар зарар кўргани йўқ. Аксинча, мамлакатимизда пандемия шароитида тадбиркорлар учун қулай шароитлар, имтиёзлар берилаётгани боис иқтисодий мувозанат таъминланмоқда.

Қолаверса, Президентимиз томонидан пандемия даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор. Зеро, бугун дунё бошига соя солаётган «тождор» вирус айрим фуқароларимиз турмушига, моддий имкониятларига таъсир ўтказмай қолмапти. Уларни моддий рағбатлантириш бугун ҳар қачонгидан муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз томонидан куни кеча қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон Қурбон ҳайити байрамига муносиб совға бўлди. Унга кўра ушбу улуг айём кунларида кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, кекса ёшдаги фуқароларга ёрдам кўрсатилиши азалий қадрият ва аъёнларимиз бардавомлигини яна бир қарра намён этди. Шу боис ушбу ҳужжатни халқимиз кўтаринки руҳда қутиб олди.

Куйида Президентимиз Фармони ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар, уларнинг маъно-маъмуни ва аҳамияти ҳақида юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож фуқароларнинг турмуш таъшишлари энгиллашди. Уларга республика бюджетидан бир марталик ёрдам пули ажратилди. Ўзимиз истикомат қилаётган биргина Шофиркон туманида муҳтож оилаларнинг салкам беш минг нафар аъзосига 998 миллион 600 минг сўм маблағ берилди. Бунақаси ҳали бўлган эмас.

Ушбу далиллар давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатидан далолат бериб, тарихга муҳрланиши мўжарра!

Азим ЛАТИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Аҳолига нима учун нақд пул тарқатилмоқда?

Қурбон ҳайити муносабати билан ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олиш учун 200 миллиард сўм ажратилди. «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан тарқатилмоқда бу пуллар 150 минг оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган. Мазкур маблағ мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган рўйхат асосида нақд пул шаклида тарқатилмоқда. Бундан ташқари, Президентнинг

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ҳайит байрамлари қадимдан юртимизда ўзгача, халқимизга хос меҳр-оқибат, шукроналик, ҳамжиҳатлик, муруват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Жорий Қурбон ҳайити ҳам кўтаринки руҳда, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган миллий ва диний қадриятларига мос равишда кенг нишонланмоқда.

Муносабат

Шукронамизнинг, шоду хуррамлигимизнинг яна бир сабаби, шубҳасиз, куни кеча Президентимиз томонидан Ўзбекистон халқига йўланган Қурбон ҳайити табриги ҳамда унинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг айти Қурбон ҳайити кунларида қабул қилингани бежиз эмас. Зеро, Президентимиз табригида таъкидланганидек, бу қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги тарихий Фармондир. Ушбу воқелик корона-вирус пандемияси туфайли халқимиз бошига тушган синовли кунларда кўнглимизни нурафшон қилди, руҳимизни кўтариб, бугундан-да бахтли эртанги кунларга

ХОНАДОНЛАРГА БАРАКА ОЛИБ КИРГАН ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Коронавирус пандемияси. У бугун дунё аҳолисининг кўп қатламларини оғир аҳволга солиб қўймоқда. Мана шундай мураккаб шароитда ижтимоий ҳимоя ҳамда ёрдамга муҳтож одамлар, айниқса, жабр чекади, умидсизликка тушади.

Фамхўрлик

Бироқ ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топган, катталарга ҳурмат, кичикларга иззаат, меҳр-оқибат туйғулари қалб ва шуурлардан чуқур жой олган мамлакатимизда бундай мураккаб шароитда ҳам аҳолини, айниқса, унинг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш масаласи давлатнинг биринчи даражали эътиборида турибди. Дарҳақиқат, халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намён этаётган муҳтожлар ҳолидан хабар олиш аъёнани маънавий ҳаётимизнинг ажралмас

КОРОНАВИРУС
бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 1 август соат 23.30 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — 24 783 нафар, тузалганлар 15 299 нафар, вафот этганлар 147 нафар.

Дунёда

2020 йил 1 август ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — 17 591 968 нафар, тузалганлар 10 330 958 нафар, вафот этганлар 679 439 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

ХОНАДОНЛАРГА БАРАКА ОЛИБ КИРГАН ХАЙРЛИ ТАШАББУС



Ташкент вилоятида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар манзилли ҳамда қатъий назорат остида олиб борилади. Хусусан, ҳудуддаги туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилаларга республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди. Бунда оила аъзолари 3 кишигача бўлган оилаларга 500 минг сўмдан, 4 кишидан ортиқларига эса 1 миллион сўмдан тақдим этилди.

Масалан, Янгийўл туманида шу мақсадда жами 888 миллион сўм нақд пул ажратилди.

— Туманимизда 27 минг 287 эҳтиёжманд оила мавжуд, — дейди Янгийўл тумани ҳокими ўринбосари Нилуфар Нормирзаева. — Маҳаллаларда оғир шaroитда истиқомат қилаётган, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган фуқаролар, шунингдек, ёлғиз оналар ҳамда пандемия пайтида вақтинча ишсиз қолган инсонларни аниқлашда қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари қoшида 10 июлдан бошлаб “1197” рақамли “Ишонч телефони” доимий равишда ишлаб турибди. Шу кунгача 470 дан зиёд фуқароларнинг уйларига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда. Бу йўлда ҳомийлик кўрсатиб келаётган барча тadbиркорга ўз миннатдорлигини билдирмоқчи.

Айни чоғда Оққўрғон туманида 959 миллион сўм, Чиноз туманида 653 миллион сўм, Урта Чирчиқ туманида 406 миллион сўм, Пискент туманида эса 309 миллион сўм миқдоридан нақд пул ажратилди. Охангрон туманидаги 316 та эҳтиёжманд оилаларга эса жами 262,5 миллион сўм миқдоридан моддий ёрдам пуллари тарқатилди.

Мазкур эзгу ишлар вилоятнинг

бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ушқоқлик билан олиб борилади. Хайрия маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир ҳудуд сектор раҳбарлари ҳамда бошқа масъуллар томонидан манзилларига етказиб берилди.

— Икки йил аввал турмуш ўртоғим вафот этганида, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетганида, — дейди пискентлик Дилбар Давлатова. — Узимни эмас, тўрт гўдакни қандай оёққа тургазиш-ни ўйлардим. Бундай оғир ҳаёллар кўп ўтмай тарқаб кетди. Чунки юртимизда ҳеч ким эътибордан четда қолмаётганига ўзим мисолидан яна бир бор амин бўлдим. Бу галги Қурбон хайитини ана шундай кўтаринки кайфиятда кутиб олдим. Нега десангиз, кечагина Президентимиз Фармони билан 400 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга бир марталик ёрдам пули ажратилиши ҳақида интернетдан ўқиб турган бўлсам, бу хушxabар эртасига эрталабдан остонамизни ҳатлаб, уйимизга кириб келди. Шундай қилиб, байрам арафасида Президентимиз номидан 1 миллион сўм хайитлик олдик. Ростини айтсам, хали бунақаси бўлмаганидан эмас, коронавирусдек кўринмас офат ёпирилиб келган ҳозирги оғир дамда ҳам давлатимиз биз каби муҳтож одамларни қаноти остига янада маҳкам босганидан гоят қувониб кетдим, кўзимга ёш келди.

Самарқанд вилоятида ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир оилаларга 1 миллион сўмдан нақд пул кўринишида моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Самарқанд шаҳрининг Нурафшон маҳалласида яшайман. Бундан кўнра қўнра фарзандларим юртимиздан йироқда, — дейди Зайнаб Қишиддинова. — Ҳозир эса набираларимни ўзим боқиб тарбияламоқдаман. Хонадонимизга

Музаффар Эшматовнинг қайд этишича, бугунги кунда Нурафшон маҳалласида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тизимли амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз Фармонига мувофиқ, кам таъминланган ҳамда маблағли оилаларга ажратилган пул маблағи эса уларга кўрсатилган бекиёш эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Маълумотларга қўра, биргина Самарқанд вилоятида иктомий ёрдамга муҳтож 47 мингдан ортиқ оилалар рўйхатга олинган. Уларнинг барчаси тегишли рўйхатларга киритилган ва унга мувофиқ маҳсулотлар, нақд пуллар, субсидиялар ҳамда кредитлар бериш, иш билан таъминлаш шаклида мақсадли ёрдам кўрсатилмоқда.

— Самарқанд шаҳридаги Чашма маҳалласида 32 та кам таъминланган оила истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси ўринбосари Гулчехра Хасанова. — Давлатимиз томонидан ҳамда ушбу ҳудудда яшовчи тadbиркорлар ёрдамида аҳолининг ушбу катлами доимий қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, мазкур маҳалладаги 18 оилаларга тикув машиналари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди. Ва бугунги кунда улар рўзгорини бутлигича ҳурданд.

Президент Фармонига биноан, иктомий кўмакка муҳтож оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу мақсадлар учун Инқирозга қарши қўлаш жамғармаси томонидан Самарқанд вилоятига 10 миллиард сўм, оқоридидаги сўмга қўлаш қатламида вилоят бюджетидан 2 миллиард сўм маблағ 12 мингта оилаларга ҳамда туманлардаги сектор раҳбарлари томонидан тақсимланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур

Фармони **Навоий вилоятида** 5 минг 241 оила, 21 минг 743 кишининг ҳаётига бевосита дахл этди. Албатта, бу эътибор ушбу фуқароларга Қурбон хайити совғаси бўлиши билан бирга, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган пандемия шaroитида инсонпарварлик тамойилларини устувор тутган мамлакатимизда ўта муҳим ғамхўрлик ифодаси ҳамдир.

— Таъкидлаш жоизки, 31 июль ҳолатига қўра, вилоятимизда 667 нафар фуқаро стационар ҳамда 2004 киши уй шaroитида карантинга олинган, — дейди Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Одил Хасанов. — Шу кунга қадар 407 нафар фуқарога COVID-19 тасдиқланди, уларнинг 384 нафари (94 фоизи) жас-талиқдан фориғ бўлди. Албатта, бу мамлакатимизда фуқаролар саломатлигини ҳимоялаш, пандемия шaroитида уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида танланган стратегиянинг самарасидир.

Шу хижатдан вилоят бўйича мавжуд 4 та провизор муассасадаги 906 ўрин ҳамда 6 та госпитал муассасадаги 520, жами 1426 ўринга қўшимча туман ва шаҳарларимизда яна 1064 та ўрин тайёрланганлиги, уларнинг зарур тиббий техника ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шунингдек, қўчайтирилган карантин шaroитининг дастлабки кунлариданок давлатимиз раҳбарининг Фармони ва топшириқлари асосида моддий даромад манбаини йўқотган, ишсиз ҳамда эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам бир қатор амалий ишлар олиб борилади. Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг вилоят бошқармаси ҳузурида ҳамда барча туман, шаҳар бўлиmlари қoшида 11 та Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказлари ташкил этилди. Айни пайтга қадар ушбу марказлар томонидан эҳтиёжманд оилаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, биринчи навбатда, ушбу тоифадаги фуқароларга моддий кўмак юқари етказиб берилмоқда. Чунки, бугунги кунга қадар вилоятда моддий ёрдамга муҳтож, 5 350 ишсиз оилаларга моддий кўмак юқари етказиб берилди.

Улуғ айём — Қурбон хайити арафасида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати орқали иктомий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам тарқатилиши инсонпарварликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. **Ҳоразм вилоятида** ҳам 10 миллиард сўмлик маблағ ана шундай эҳтиёжманд оилаларга етказилмоқда.

Урганч туманидаги Бақайлар маҳалласида истиқомат қилувчи Ибодат

Қаландарова — беш нафар фарзандининг онаси. Тақдир экан, турмуш ўртоғи вафот этган, катта рўзгор юки ёлғиз унинг зиммасида қолиб кетди. Пандемия эса шундоқ ҳам қийин шaroитда кун кечираётган оилани янада оғир аҳволга солиб қўйди. Президентимиз ташаббуси билан “Саховат ва кўмак” ҳаракати орқали иктомий ҳимояга муҳтож хонадонларга ажратилган моддий ёрдам Қурбон хайити арафасида ушбу оилаларга ҳам байрамона кайфият, эртанги кунга мустаҳкам ишонч ва эзгу умидлар олиб кирди.

— Галпнинг очиги, хайит байрамида фарзандларимнинг кўнгли ўқимаслиги учун бозорлик қилишга бировдан қарз сўрашга истиқола қилаётган эдим, — дейди И. Қаландарова. — Сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари давлатимиз томонидан ажратилган моддий ёрдамни олиб, улуғ айём билан табриқлаб хонадонимизга келди. Юртимизда ҳеч бир инсон қийин вазиятларда ўз холига ташлаб қўйилмаслиги, кам таъминланган оилалар иктомий ҳимояси доимо эътиборда эканлиги яна бир бор амин бўлдим.

Президентимиз Фармонига асосан эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга бюджетдан бир марталик моддий ёрдам берилиши билан бирга, пенсия ҳамда нафақалар миқдорининг оширилиши ҳам оғир синовли дамларда аҳоли учун сезиларли мадад бўлади.

— Коронавирус туфайли иқтисодий инқироз хавфи қучаётган, ишлаб чиқариш ва аҳоли даромадларига тулур етаетган бугунги оғир ва машаққатли дамларда давлатимиз раҳбари ҳеч бир юрtdошимизни ушбу бало қаршида ёлғиз қолдиргани йўқ, — дейди урганчлик меҳнат фахрийси Муборак Эшонова. — Жумладан, шу йилнинг 1 сентябритдан бошлаб пенсиялар, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилишидан жуда хурсанд бўлдим. Ҳисоб-китобларга қўра, Фармонда кўзда тутилган аҳолини иктомий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига 2020 йилнинг охиригача бюджетдан қўшимча 2,5 триллион сўм маблағ жалб этилар экан. Иқтисодий оғир зарбаларга дуч келаётган, бюджет тушумларини таъминлаш жуда қийин бўлаётган бугунги шaroитда ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши инсонпарварликнинг олий намунаси, аҳолининг кам таъминланган қатлами иктомий муҳофазат қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Мухтасар айтганда, саховат ва муруват халқимизга хос, у қўнра ҳамда ўчмас қадриятдир. Бугун унинг амалдаги ифодаси эзгу қалб инсонлар тизимлида улуксизлик касб этипти. Шундай экан, мамлакатимизнинг барча ҳудудиди давом этаётган ёрдамга муҳтож одамларга кўмаклашиш, мушкулени осон қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар асло тўхтаб қолмайди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ МУСА ТАЖЕТДИНОВИЧ ЕРНИЯЗОВ

Ўзбекистон халқи оғир жудолликка учради. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Тажетдинович Ерниязов шу йил 31 июль кунин 73 ёшида оғир касалликдан сўнг вафот этди.



Муса Ерниязов 1947 йил 20 декабрь кунин Қорақалпоғистон Республикаси КеҒеҒили туманида туғилди. Урта мактабни тугатиб, 1971 йилда Тошкент кишлок ҳўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини, 1986 йили Тошкент Олий партия мактабини тамомлади.

Меҳнат фаолиятини қурилиш муҳандиси лавозимидан бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар КеҒашига катта референт, бошқарма бошлиғи, ишлар бошқарувчиси бўлиб ишлади.

1983 — 1989 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал ҳўжалиғи вазири, Вазирлар КеҒаши Раисининг ўринбосари — Давлат мулкени бошқаруши ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси, Чимбой тумани ҳокими лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

2002 йилдан ҳозирги вақтга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи КеҒеҒеси Раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари лавозимиди ишлади.

Муса Тажетдинович Ерниязов қарийб 50 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзининг улкан раҳбарлик салоҳияти, бой билим ва тажрибаси, маънавий фазилатлари, Ватанимизга бекиёш муҳаббатиди ва садоқати билан ҳақли равишда халқимизнинг қалбидан чўқур жой олган улуғ инсон эди.

Унинг бевосита раҳбарлиғидида Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Қорақалпоқ дйберида кейинги йилларда юз берган барча улкан ўзгаришлар Муса Тажетдинович Ерниязовнинг номи ва амалий фаолияти билан қамбарчас боғлиқдир.

У қорақалпоқ элининг ҳақуқий етатқисини сифатида доимо халқнинг дарду ташвишлари билан яшади. Айниқса, кекса авлод вакиллари, меҳрибон опа-сингилларимиз, азиз ёшларимизнинг турмуш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш, уларнинг муносиб келажатини таъминлаш йўлида чинакам жонбозлик кўрсатиб сийдиқдидан хушд кўлди.

Муса Тажетдинович Ерниязов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари сифатида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўлди, иқтисодий-ижтимоий тараққийтимиз учун зарур бўлган муҳим қонунларни ишлаб чиқуш ва амалга ошириш йўлида айниқса фаоллик кўрсатди.

Муса Тажетдинович Ерниязовнинг давлатимиз ва халқимиз олдиди улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У “Меҳнат шўхрати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” ва “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак унвонлар билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг улуғ фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва фидоий инсон Муса Тажетдинович Ерниязовнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Қ. САРИЕВ

ЭЗГУЛИКНИНГ МУКОФОТИ ФАҚАТ ЭЗГУЛИКДИР

Дарҳақиқат, муқаддас динимиз гоят гўзал, барча замон ва маконларга мос ҳамда хос. Исломининг гўзаллиғи шундаки, мусулмон киши ўзига раво қўрган нарсасини дўстига, биродарига илинмагунча ҳақуқий мўмин бўла олмайдди. Шу боис динимизда инсонлар фақат яхшилик қилишга даъват этилади. Узағаларга қилинган яхшилик туфайли кўнгуллар равшан тортиди, руҳ ҳаловат топади.

Аллоҳ таоло Ар-Раҳмон сурасининг 60-оятиди: **“Эҳсон** (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир”, деб марҳамат қилади. Муқаддас динимизнинг эзгулик, хайру саховат, меҳр-оқибат, муруват каби олижаноб гоғларни жамиятда иктомий адолатнинг қарор топишига хизмат қилмоқда.

Динимиз буюрган хайрли амалларга узукка қўйилган кўздек ярашиб тушган саховат тadbирлари бугунги карантин даврида ҳар қанон-ғидан ҳам кенг қулоч ёвётганининг боиси шундаки, Аллоҳ таоло Қурьони каримда: **“Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (сабовининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдик, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттида бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (сабовини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (қарами) кенг ва билимдон зотдир”** (*Бақара сураси, 261-оят*), деб марҳамат қилган.

Аллоҳ таоло бу мисол билан битта хайрли иш учун битта эмас, то 700 ва ундан ортиқ сабов ато этиши мумкинлигини билдирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг икки дунё саодатига эришишни эзгу амаллар устига бино қилинган. Қадимдан бир мазийани қирқ бўлишиб ёйишга одатланган халқимиз. Қўшимчиси оч экан, ўзимиз тўқ ҳолда ухлай олмаимиз. Бунга бизнинг диний, маърифий маданиятимиз асло йўл қўймайди.

Ҳабарингиз бор, коронавирус пандемияси туфайли бу йилги муборак ҳаж амалини баҳарши чекланди. Бундай фурсатни ганимат билган саховатпеша юртдошларимиз исломнинг бешигини арқонини адо этиш учун йўқ-кам маблағларини эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга ҳадя қилмоқда. Бу эзгу аъналаримизни, урф-одатларимизни бутун дунёга

ибрат сифатида кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш кераки, Президентимиз ташаббуси билан бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати бу борадаги эзгу ишларга янги чўла, маъно-мазмун бахш этди.

Утган қисқа вақт давомида ушбу ҳаракат доирасида амалга оширилган улкан ҳажмдаги аяллар тadbирлари ва меҳр-муруват амаллари ҳам шундан яққол далолат беради.

Умри давомида яхши ниятлар билан тўплаган маблағларини кўмакка муҳтож оилаларга тарқатаётган, уларга уй-жой қуриб бераётган, энг муҳими, ҳаётий эҳтиёжларини қондираётган ватандошларимизни ҳақли равишда замонамиз қаҳрамонлари дейиш мумкин. Улар бугунги синовли кунларда муҳтожларга ўзининг ноинчи бермоқда, қийинчи улашмоқда.

Зеро, мутафаккир бобомиз Алишёр Навоий ҳазратлари:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Очна борқим Казба вайрон бўлса, обод айлағай,

дея илтифот қилади. Уз вақтида қилинган эҳсоннинг сабови улўғ бўлади. Ўзи муҳтож бўла туриб, ўзгаларга эзгулик улашган, уларнинг кўнглини кўтарган кишининг икки дунёси обод бўлиши ҳақиди кўп кузатилган.

Қувонарлиси, давлатимиз раҳбарининг юқориди қайд этилган Фармонига мувофиқ, пандемия даврида доимий даромад манбаига эга бўлмаган, кам таъминланган, ёрдам ҳамда кўмакка муҳтож аҳоли қатламларини ва оилаларини ҳамда иқтисодий дунё давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада қўчайтириш мақсадида аввал ажратилган 10 триллион сўм маблағга қўшимча равишда республика бюджетидан яна қарийб 2,5 триллион сўм маблағ йўналтириш белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатга қўра, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилди. Шунингдек, 14 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд нафақа олувчи оилалар, 2 ёшга тўлгунга қадар бола парварши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналар, моддий ёрдам олувчи кам таъ-

минланган оилаларнинг амалдаги сони кўпайтирилди. Тўлаш мuddати шу йилнинг июль — сентябрь ойларида тугайдиган болалари бўлган оилаларга ва бола парварши билан шуғулланадиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой мuddатга узайтирилди.

Республика бюджетидан моддий ёрдам ҳамда кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатлари (“темир дафтлар”)га киритилган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳудудий бўлиmlарига 200 миллиард сўм, теб тиббий ёрдам бригадалари ҳодимларига бир марталик пул мукофоти бериш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ҳамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжihatлик гоғларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, муруват борасида амалга оширилайётган ишларни, ҳақолатга қарши маърифат рўйидаги кенг қамровли тadbирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фондида 150 миллиард сўм маблағ ажратилиши биз учун алоҳида аҳамиятли воқелик бўлди.

Дунёда иқтисодий инқироз кечаётган бир пайтда халқимизга бу қадар ҳиммат кўрсатилиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Бу руҳимизни кўтарибгина қолмай, шўқронлиги туғйларимизни, байрат-шўқоатимизни янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимиз Фармони “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини янада қувватлантирди, ҳар биримизни яна бир бор эзгулик қўнларини асосида яшашга ундади, ўзгаларга яхшилик соғиниб, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатишда ибрат ва намуна бўлди. Зеро, муборак ҳадисда қайд этилганидек, **“Саховат — бир даракат. Унинг илдизлари жаннатда, шохлари дунёга тушиб туради. Кимки унинг шохидан ушласа, илдизлари (жаннат) сари тортади...”**

Смсонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

САХОВАТ ВА КЎМАК — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Инсонпарварликнинг яна бир олий намунаси

Инсон қадрланган жойда азиздир. Киши узаро меҳр-оқибатини, эътибор ва эъзозни ҳис этиб турса, ўзини бахтли ҳисоблайди, улўғ мақсадларга интилиб яшайди.

Шу маънода, Президентимизнинг кунни кеча қабул қилинган Фармони пандемия даврида иктомий ҳимояга муҳтож инсонлар қалбига нур, эртанги кунга ишонч олиб киргани, шўбҳасиз. Хусусан, ушбу ҳужжатга қўра, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган пенсия ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилиши, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳудудий бўлиmlарига 200 миллиард сўм, теб тиббий ёрдам бригадалари ҳодимларига бир марталик пул мукофоти бериш учун 100 миллиард сўм, жойларда хайру саховат, муруват борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” жамғармасига 150 миллиард сўм маблағ ажратилиши биз учун алоҳида аҳамиятли воқелик бўлди.

Дунёда иқтисодий инқироз кечаётган бир пайтда халқимизга бу қадар ҳиммат кўрсатилиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Бу руҳимизни кўтарибгина қолмай, шўқронлиги туғйларимизни, байрат-шўқоатимизни янада оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимиз Фармони “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини янада қувватлантирди, ҳар биримизни яна бир бор эзгулик қўнларини асосида яшашга ундади, ўзгаларга яхшилик соғиниб, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатишда ибрат ва намуна бўлди. Зеро, муборак ҳадисда қайд этилганидек, **“Саховат — бир даракат. Унинг илдизлари жаннатда, шохлари дунёга тушиб туради. Кимки унинг шохидан ушласа, илдизлари (жаннат) сари тортади...”**

Рустам КАЛОНОВ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Кўнгулларга малҳам, руҳга қувват бўлди

Президентимиз Фармони нафақат Қурбон хайити совғаси, балки маъно-мазмун ва аҳамиятига қўра тарихий ҳужжатлардан бири бўлди.

Сир эмаски, бугун аҳолиимизнинг ақсарияти ишсиз бўлиб қолди, кунлик меҳнат қилиб, оиласига бир бурдан нон қураиб келадиганларнинг боши қотди. Ёш болалари, ногиронлиги бор, моддий ёрдам олувчи инсонлар қарантин сабаб уйдан чиқолмай қолди. Қўрринмас “ёғ”га қарши курашаётган шифокору ҳаширлар оилаб ўз уйига боролмапти. Нима бўлса

ҳам касаллик юқтириб олмай, бу кунлардан оиламини эсон-омон олиб чиқиб кетай, деган уй-фикр барчанни ўйлантириб қўйди.

Ана шундай оғир бир шaroитда Президентимизнинг Фармони қўллаб муаммоларни ижобий ҳал этди. Имонияти чекланган, кўмакка муҳтож инсонларни, тиббиёт ҳодимларини, диний соҳа вакилларини моддий қўллаб-қувватлашга замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ, ҳудудларда секторлар раҳбарлари, вилоят,

«Дада, Президентимиз бизни танийдими?»

Арафа кунин бу йил бирин

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ИНСТИТУТИ

ХАЁТНИНГ АЧЧИҚ ТАЖРИБАЛАРИ ХУЛОСАСИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ТИЗИМ МУРАККАБ ВАЗИЯТЛАРДА ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА.

“Биз Гурлан шаҳарчасидаги Гулшан маҳалласида яшаймиз. Маҳалламиздаги кўприк авария ҳолатига келиб қолган эди. Уни таъмирлаб беришни сўраб туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эдик. Мурожаатимиз ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди, кўприк мукамал таъмирлаб берилди.

Бу воқеани маҳалламизнинг ёшув қариси катта хурсандчилик билан кутиб олди. Шу фурсатдан фойдаланиб, маҳалламиз аҳли номидан Президентимизга миннатдорчилигимизни билдираемиз!”



Юзма-юз мулоқот

Давлатимиз раҳбари ва Президент Халқ қабулхоналари номига келаятган бундай миннатдорлик хатлари низоҳатда кўп. Бунга етарлича асос бор. Чунки мурожаатларда кўтарилаётган минг-минглаб муаммоларга ечим топилмади.

Биргина шу Гулшан маҳалласи аҳолисининг мурожаатидан сўнг дилларни дилларга, қалбларни қалбларга боғловчи кўприк муаммоси ҳал бўлгани ҳам қай бир мезонда рамзий маънога эга. Ахир Халқ қабулхоналари институти билан аҳоли ва раҳбарлар ўртасида жонли мулоқот кўприги барпо қилинди.

Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот механизми боис Ўзбекистонда ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган ҳаёт тизим яратилди. Халқ қабулхоналари институти, мамлакатимиз раҳбари бундан уч йил аввал белгилаб берганидек, “халқ манфаатларини таъминлайдиган, одамлар ишончини қозонадиган даргоҳга, адолат замини”га айланиб улгурди.

Аниқ рақамларга мурожаат қилсак, шу йилнинг биринчи ярмида Халқ қабулхоналарига 80 минг 880 дан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Уларда 90 минг 20 дан ортиқ масалалар кўтарилган. Шу давр мобайнида 79 723 та мурожаат қўриб чиқилган. Маскур ариза ва шикоятларнинг 57 697 таси ёки 72,4 фоизи қаноатлантирилган, 21 минг 55 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, 971 та мурожаат юзасидан аниқ муддат ҳамда масъуллар белгиланиб, назоратга олинган.

Халқ билан мулоқот тизимининг бугунги шиддатли давр талабларига тўла жавоб бераётган яна бир ҳаётий механизми — оммавий қабуллар амалиёти бўлиб, бу билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта оқдод одамлар ва мутасаддиларнинг муаммолар юзасидан бир-бирининг кўзига тик қараб, очик-ошкора гаплашиб олишни учун самарали мулоқот майдони яратилган. Буни Президент Администрацияси масъул ходимлари, Халқ қабул-

хоналари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ҳудудларда 29 марта оммавий қабул ўтказилгани ва уларда 5734 нафар фуқаронинг 5883 та масаласи тингланганидан, шундан 2355 та масала жойида ҳал этилиб, 1004 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилганидан ҳам англаш мумкин.

Халқ қабулхоналари томонидан секторларнинг 8 065 та оммавий қабули ташкил этилиши натижасида фуқароларнинг 50 544 та масаласи тингланиб, уларнинг қарийб ярмига жойида ечим топилгани ҳам шунчаки гап эмас. Бунинг замирида халқни рози қилишдек жуда катта масъулиятли вазифа ётибди.

Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар ихроси доимий назоратга олингани эса аҳолининг ушбу тизимга ва эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Айни мурожаатлар ихроси бўйича халқ депутатлари Кенгаши раҳбарлигида Халқ қабулхоналари томонидан 309 та ахборот киритилгани, унга асосан 241 та сектор ёки давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Киритилган ахборотлар ва эшитилган ҳисоботлар натижаси бўйича 2020 йилнинг ўтган даврида 241 нафар масъул ходим аҳоли мурожаатлари билан талаблар даражасида ишламагани учун жавобгарликка тортилгани ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишлаш масаласи алоҳида эътиборда эканлигини далиллат, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Халқ қабулхоналари фаолиятида мутлақо янги сифат босқичи бошланди. Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилиш, давлат органларининг

аҳоли билан бевосита ишлашни назарда тутувчи янги тизим жорий қилинган эди.

Худди шу тизим асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги Халқ қабулхонаси ходимлари уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганишда, “Кизил ўзак” ОФЙ марказида истикомат қилувчи 300 дан ортиқ хонадон эгалари истеъмолга яроқсиз сувдан фойдаланиб келаятгани аниқланди. Бу масала тегишли “Йўл харитаси” ва дастурларга киритилгача, 5,2 км. ичимлик суви тармоғи тортилиб, 300 дан зиёд хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ёки Тахтақўпир туманидаги Халқ қабулхонаси ўтказган оммавий қабуллардан бирида “Қараой” ОФЙ ҳудудидаги Муйтен ва Қипчоқ овуллари аҳолиси ҳудудда мактабгача таълим ташкилоти қўриб беришни сўради. Ўрганишларга кўра, икки овулдаги 159 хонадонда 100 нафарга яқин боғча ёшдаги болалар бўлгани ҳолда улар об-ҳаво нуқул шариоатида ҳам 3 км. йўл босиб, “Қараой” ОФЙ марказидаги болалар боғчасига қатнашга мажбур бўлгани аниқланди. Аҳоли мурожаатидан сўнг шу йил апрель ойида мазкур ҳудудда 90 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти қўриш учун 3,1 млрд. сўм маблағ ажратилди. Айни пайтда аҳоли қўрилиш ишлари якунига етказилаётганидан қаятда мамнун.

Буоқ мутафаккир бобоимиз Алишер Навоийдан қўйилган сатрни ўқиган киши савоб ишни ҳар қим ҳар қуни қилиш кераклигини яна бир бор хаёлидан ўқизиши табиий:

*Кимки бир қўнгли бузғунинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Кабба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Бугун бир кишининг бўлса-да хожатини чиқариш, унинг муаммосини ечишга ёрдам қилини чўзиш — гоёт катта савоб экан, демек, бу борада ташаббусни кўлга олиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Халқ қабулхоналари ходимларининг саъй-ҳара-

кати билан минглаб фуқароларнинг масалалари ҳал этилаётгани эса давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда мўҳим ўрин тутмоқда.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Қорабоғи маҳалласида яшовчи Аъзамжон Абдусаматовнинг Халқ қабулхонасига қилган мурожаатидан сўнг ушбу ҳудуддаги 387 та хонадон оқар сув билан таъминлангани, Андижон шаҳрилик Мухаммаджон Иминовнинг мурожаати асосида қарийб йилнинг февраль ойида “Ҳамдўстлик” МФЙдаги Рудакий, Форобий ва Олтинқўл кўчаларининг 4 километрлик қисми асфальтлаштирилгани қанча-қанча одамлар ҳаётига хурсандчилик бахш этгани билан аҳамиятлидир.

Бухоро вилоятининг Вобкент туманидан бўлган Умрия Ярашова Халқ қабулхонасига оилавий шароити оғирлиги ва уй-жойи таъмирталаб эканини билдириб, уй-жойини таъмирлашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати жойига бориб ўрганилган, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳомилийк маблағлари ҳисобидан 40 миллион сўм ажратилиб, уй-жойи таъмирлаб берилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жиззах вилоятининг Фаллаор туманидаги “Кўкбулоқ” ҚФЙ Сайфин ота қишлоғида яшовчи аҳоли мурожаатларига ҳам ечим топилди: қишлоққа янги трансформатор ўрнатилди, 1,5 километрлик электр тармоғи тортилди, 33 та эскирган симёғоч бекет устунларга алмаштирилиб, 30 дан ортиқ хонадонлар янги тармоққа уланди. Бу билан бутун бир қишлоққа ёруғлик, қувонч инди, десақ, муболага эмас.

Шу билан бирга, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги бир қатор фуқароларнинг мурожаатлари асосида Шеробод дарёсидан сув олувчи тармоқ канални таъмирлаш вақтида шикаст этган кўприк таъмирлаб берилган бўлса, айни пайтда ушбу тумандаги йилгирма йил аввал сел ювиб кетган Қишлоқбозор ва Чукурқўл маҳаллаларини боғловчи кўприкни қайта қўриш ишлари олиб борилаётир.

COVID-19

ДОЛЗАРЪ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР

— Коронавирус туфайли эпидемиологик вазияти оғир бўлган чет эл давлатларида почта орқали жўнатмалари олиш хавфи эмасми? — Хавфли эмас. Почта жўнатмалари орқали коронавирус инфекцияси юкмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти давлатлараро савдо ва юрларнинг ҳаракати бўйича ҳеч қандай чекловлар тавсия этмайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонга бошқа давлатлардан почта жўнатмаларининг етказилиши штар режимида ташкил этилган.

— Коронавирусни аниқловчи тест-тизимлар ҳудудларда етарли миқдорда мавжудми?

— Ҳозирги кунда мамлакатимизга етарли миқдорда замонавий лаборатор асбоб-ускуналар келтирилган. Ва бу жараён давом этапти. Ушбу анализаторларда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш жараёни бир кун ҳам тўхтамаган. Санитария эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари, вилоятларда туманлараро лабораториялар, СПИДга қарши кураш маркази ҳамда унинг ҳудудий филиаллари, республика бўйлаб COVID-19га чалинган беморларни даволувчи клиникалар етарли миқдорда тест-тизимлар билан таъминланган.

Махсус комиссия томонидан керакли шароитларга эга бўлган хусусий секторда фаолият кўрсатувчи лабораторияларга ҳам коронавирუსни аниқловчи ПЗР, ИФА ва ИХЛА таҳлилларини ўтказиш ҳуқуқи берилган.

— Коронавируснинг ҳомиладор аёлларга ҳамда ҳомилага таъсири борми, бўлса қайси даражада?

— Ҳомиладор аёл ва унинг ҳомиласига коронавирუს инфекциясининг таъсири тўғрисида далилларга асосланган илмий ҳулосалар йўқ. Ҳомиладор аёллар коронавирუს инфекциясига ҳамда унинг асоратларига бошқалардан кўра кўпроқ мойил экани тўғрисида ахборотлар ҳам йўқ. Лекин шу билан биргаликда, соғлом фарзанд кўриш мақсадида инфекция туридан қатъи назар, ҳомиладор аёл улардан ўзини асраши кераклиги барча тоифадаги шифокорлар томонидан таъкидланади.

— Коронавирус билан касалланганда бош айланиб, худшдан кетиш ҳолатлари ҳам кузатиладими?

— Бош айланиб, худшдан кетиш ҳолатлари коронавирუს касаллигига хос эмас. Лекин ушбу инфекция асоратлари бу ҳолатга сабаб бўлиши мумкин. Бош айланishi ва худшдан кетиш, асосан, қон босими тушиб кетиши, камқонлик ёки юрак ритмининг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим.

— Эмизикли аёлда коронавирус бўлса фарзандига хавф туғилмайдими?

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, эмизикли аёл коронавирус касаллигига чалинган бўлса, у барча гигиеник қоидаларига риоя этган ҳолда, фарзандини эмизishi мумкин. Бунинг учун аёл қўларини яхшилаб совунаиб ювиб, уларга дезинфекция воситалари билан ишлов бериши ва юзига тиббий ниқоб таққан ҳолда, имкони борида бола томонга эмас, қарама-қарши томонга қараб нафас олиши лозим.

— Коронавирусга қарши имунитет пайдо бўлганини аниқловчи антитаначалар тести қачон йўлга қўйилади?

— Антитаначаларни аниқлашнинг бир неча тури бўлади. Жумладан, экспресс-тест, ИФА ва ИХЛА анализлари. Буларнинг барчаси ҳозирги кунда республикада бор. Хусусий клиникаларда давлат фаол аниқланмоқда. Тез кунларда давлат маюссасаларида ҳам бу тестлар йўлга қўйилади.

Саволларга Тошкент врачлар маюкасини ошириш институти ректори, Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Ҳабибулла ОҚИЛОВ жавоб берди.

Худудлардаги Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилаётганидан фуқаролар мамнун. Албатта, уй-ташвишлари енгиллашган, мушқулига ечим топган киши янги орзу-умидлар билан яшайди, эртанги кунга ишончи янада ортади. Буни уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам англаш мумкин.

Дил сўзи

Наргиза ЖҮРАБОВА (Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Навбахор маҳалласи):

— Ёлғиз онаман. Вояга етмаган уч фарзандим бор. “Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб”, деганларидек, болаларим билан анча йиллар давомида ижсарама-ижсара сарсон-саргардон бўлиб яшадикки, бунинг азобини ўзимиз билганим...

Биласизми, авваллари битта масалани ҳал қилиш учун идорамидора юришга, уларнинг раҳбарлари орқасидан кунбўйи чопишга тўғри келарди, шундай уларни топа олак... Негаки, мансабдорлар билан учрашининг ўзи бир азоб эди. Шу тариқа муаммомиз ҳал этилиши чўзилиб юраверарди.

Бугун-чи? Айтганларимнинг мутлақо тескариси. Президентимизга мингдан-миг раҳмат. У кишининг ташаббуси билан ҳар бир ҳудудда Халқ қабулхоналари ташкил этилиши билан аҳолининг мурожаат қиладиган аниқ манзили, нажот маскани пайдо бўлди!

Эътиборли жиҳати, ушбу идорамга яшаш учун уй-жой билан таъминлашда амалий ёрдам сўраган эдим, муаммо тезда ҳал бўлди. Жорий йилнинг март ойида Чортоқ туманидаги Дўстлик массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойлардан уй ажратиб беришди. Янада қувонарлиси, бу уйлар ҳам арзон, ҳам узоқ йиллик ипотека кредити шаклида берилди. Кредитнинг бошланғич тўлови учун эса 40 миллион сўм субсидия ажратилди.

Қаранг, бундай имконият ва имтиёزلардан, қулайликлардан қим ҳам хурсанд бўлмайди, дейсиз!? Ҳоётда миннатдоримиз, буларнинг барча-барчасидан.

Гули САЪДУЛЛАЕВА (Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Шихбоғ қишлоғи):

— Қишлоқ шариоитида бир-икки бош чорваси, беш-ўн та товуғи бор оиланинг дастурхонига барока қиради. Бунинг устига оила аъзоларининг бирортаси ишсиз бўлса, унинг бандлиги таъминланади, пенсия эжамгармасига бадалларни тўлаб борса меҳнат стажи ҳам ҳисобланади.

Шуларни ўйлаб, қорамол сотиб олиш учун кредит масаласида туманимиздаги банкка икки йилдан буюн мурожаат қилиб келардим. Ҳар гал талаб қилинган ҳужжатларини тўлаб топширмаган, аммо турли баҳоналар рўқач қилиниб, кредит ажратилмай қолиб кетаверди.

Яқинда ҳудудимизда ўтказилган сайёр қабулда ушбу масала бўйича мурожаат қилдим. Тўғриси, бундай тез ҳал бўлишини кутмаган эдим. Ишонасизми, икки йилдан буюн ечимини топмай келаятган муаммо икки кун ичида ҳал бўлди. Маблағ, имконият бор экан, фуқароларни йиллаб сарсон қилмасдан вақтида шу ишни амалга ошириш мумкин эди-ку!

Ажратилган кредит маблағига ўзимга маъқул бўлган қорамол сотиб олдим. Мана, фарзандларимнинг оғзи сут-қатиққа етди. Қаратин туфайли масъумий ишларда бул ишлаб топши имконияти чекланган ҳозирги шариоитда бундай имконият оиламиз учун катта мадад бўлди.

Мурожаатимни ўрганиб, қисқа муддатда ижобий ҳал қилиб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ходимларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Дониёр РЎЗМАТОВ (Фаргона вилояти, Кува тумани, “Турк” МФЙ):

— Қулуннай, гилос, хурмо, шафтоли, олма етиштиришда маҳалламиз одида тушади-ғани йўқ туманда. Аммо Бўстон кўчасидаги 110 хонадон эгалари икки йилдан буюн деҳқончилик қилиш учун сув масаласида қийналаётган эди.

Президентимизнинг Кува туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Тез орада ушбу кўчадаги томоғқа ерларни суғориш учун маҳаллий бюджетдан 415 миллион сўм сарфлаб, сув қудуғи ўрнатиб берилди. Деҳқончи-

лик орқасидан даромад топадиган аҳолимиз учун сув ҳаёт-мамот масаласи. Даромадимиз янада ошиши учун шароит яратилганидан жуда ҳам мамнунимиз.

“Турк” МФЙ Кува туманининг ҳудуди энг катта маҳалласи ҳисобланади. Маҳалламиз деҳқончилик қилиш учун нуқулдай адирлик ерларда жойлашган бўлса-да, одамларимиз низоҳатда миришкор. Бу ерда 4,5 минг аҳоли истикомат қилади, боғдорчиликка ихтисослаштирилган 200 га яқин деҳқон хўжа-

Рустам ТЕМИРОВ (Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Нуробод маҳалласи):

— Бугун қишлоғимиз аҳли хурсанд. Негаки, неча йиллардан буюн уларни қийнаб келаятган масала туман Халқ қабулхонасига қилган мурожаатимиздан сўнг ўз ечимини топди, ичимлик суви муаммоси ҳал бўлди. Олдин сувни узоқ масофадан ташиб келар эдик.

Ҳар бир оилага кунига, дейлик 100 литрдан ичимлик суви керак бўлса, бир неча тонна сувини ташиб қанчалар оғир бу орқиқча ташиви эканлигини тасаввур қилишсизми?! Шукрки, энди аҳолимиз бу қийинчиликдан халос бўлди.

Шу йилнинг апрель ойида маҳаллий бюджет ва Сирдарё вилояти “Сувоқова” ДУК ҳисобидан 50 миллион сўм ажратилиб, маҳалламизнинг ўзида янги сув қудуғи қавилини, соатига 14 куб метр сув чиқарувчи насос ўрнатилди, 1 километр сув тармоғи тортилди. Натижада 23 та хонадондаги 200 га яқин фуқаролар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Хуллас, мурожаатимизнинг тез фурсатда ҳал этилганидан бутун қишлоғимиз аҳли мамнун бўлди. Бугун ана шу хонадонларда яшовчиларнинг барчаси “Давлатимизга раҳмат, шундай мураккаб пандемия шариоитида ҳам одамлар муаммосини ҳал қилишга катта эътибор бераётганлиги учун” дейишати...

Хуллас, мурожаатимизнинг тез фурсатда ҳал этилганидан бутун қишлоғимиз аҳли мамнун бўлди. Бугун ана шу хонадонларда яшовчиларнинг барчаси “Давлатимизга раҳмат, шундай мураккаб пандемия шариоитида ҳам одамлар муаммосини ҳал қилишга катта эътибор бераётганлиги учун” дейишати...

Хуллас, мурожаатимизнинг тез фурсатда ҳал этилганидан бутун қишлоғимиз аҳли мамнун бўлди. Бугун ана шу хонадонларда яшовчиларнинг барчаси “Давлатимизга раҳмат, шундай мураккаб пандемия шариоитида ҳам одамлар муаммосини ҳал қилишга катта эътибор бераётганлиги учун” дейишати...

Хуллас, мурожаатимизнинг тез фурсатда ҳал этилганидан бутун қишлоғимиз аҳли мамнун бўлди. Бугун ана шу хонадонларда яшовчиларнинг барчаси “Давлатимизга раҳмат, шундай мураккаб пандемия шариоитида ҳам одамлар муаммосини ҳал қилишга катта эътибор бераётганлиги учун” дейишати...

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Жорий йилнинг биринчи ярмида Халқ қабулхоналарига:

— 80 минг 880 дан зиёд мурожаатлар келиб тушган ва уларда 90 минг 20 дан ортиқ масалалар кўтарилган.

— Шу давр мобайнида 79 723 та мурожаат ўрганилган:

— кўриб чиқилган ариза ва шикоятларнинг 57 697 таси ёки 72,4 фоизи қаноатлантирилган;

— 21 минг 55 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, 971 та мурожаат юзасидан аниқ муддат ҳамда масъуллар белгиланиб, назоратга олинган.

Шунингдек, ҳисобот даврида:

Президент Администрацияси масъул ходимлари, Халқ қабулхоналари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ҳудудларда 29 марта оммавий қабул ўтказилиб, 5734 нафар фуқаронинг 5883 та масаласи тингланган ва шундан 2355 та масала жойида ҳал этилган.

Халқ қабулхоналари томонидан секторларнинг 8 065 та оммавий қабули ташкил этилиши натижасида фуқароларнинг 50 544 та масаласи тингланиб, уларнинг қарийб ярмига жойида ечим топилган.

Бундай миннатдорлик хатларини ўқирганимиз ёки мурожаатчилар билан суҳбатлашар эканмиз, муаммоси ҳал бўлган инсонлар юракларини ёритиб турган бир нур бизга-да кўчандек бўлди. Халқ қабулхоналари институтининг ижтимоий ҳодиса сифатидаги қонуниятлари ва назарисини бевосита амалиёт жараёнида яратилгани, ҳаётнинг аччиқ тажри-

баларида синовдан ўтказилгани боис ҳам мурожаатлар таҳлиллари бугунги ишлохотларга асос бўлмоқда. Улар асосида ишлаб чиқилган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” каби қатор дастурлар билан эса нафақат ҳудудлар, балки қалблар ҳам обод бўлмоқда. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 32 009 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қилаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.37 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6